Сайлов жараёнини кузатиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича қўлланма

Тушуниш осон бўлган маълумотлар

ЕХХТ
Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Сайлов жараёнини кузатиш ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этишига кўмаклашиш бўйича қўлланма

Тушуниш осон бўлган маълумотлар

ЕХҲТ
Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Мазкур қўлланма дастлаб 2017 йилда ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси томонидан “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловдаги иштирокини кузатиш ва унга кўмаклашиш бўйича қўлланма” сифатида нашр этилган.

Мазкур тушуниш учун осон бўлган қўлланма Европа Иттифоқи ҳамда Австрия тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштирилган “Ғарбий Болқон минтақасида сайловларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Аниқ ва расмий маълумотлар учун асл нашрга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Мазкур қўлланма ўқиш ва тушунишни соддалаштириш борасидаги Европа стандартларига мос келади. Батафсил маълумотларни қуйидаги ҳавола орқали топишингиз мумкин: www.inclusion-europe.eu/easy-to-read/

Мундарижа

Мундарижа	Бет
Кириш	4
НҲТК ва бошқа муҳим халқаро ҳужжатлар	14
Сайловларда иштирок этиш йўлидаги тўсиқлар	26
Сайлов босқичлари	31
ДИИҲБ фаолияти	47
Алоқа учун маълумотлар	53

Кириш

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти қисқача **ЕХҲТ**, деб номланади.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси қисқача **ДИИҲБ** деб номланади.

ДИИҲБ - ЕХҲТ таркибига кирувчи ташкилотлардан бири.

ДИИҲБ ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишини жуда муҳим, деб ҳисоблайди.

ДИИҲБ кузатувчилари – бу сайловлар **халқаро қонунларга** мувофиқ тарзда ўтказилишини текширадиган шахслар.

Халқаро қонунлар - турли мамлакатлар орасида қабул қилинган ва риоя қилиниши шарт бўлган қоидалар.

ДИИҲБ кузатувчилари ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда иштирок этиш имкониятига эга бўлиш-бўлмаслигини текширади.



Мазкур қўлланмада ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этишига кўмаклашадиган воситалар ҳақида сўз боради.



Мазкур қўлланмада ДИИҲБ кузатувчиларига ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда иштирок этиш имкониятига эга-эга эмаслигини қай тарзда текшириш лозимлиги тўғрисида кўрсатмалар берилади.

Дунёда тахминан 1 миллиард нафарга яқин одамда **ногиронлик** мавжуд.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари турлича.

Жисмоний ногиронлиги бўлган шахс ҳаракатланишга қийналади. Жисмоний ногиронлиги бўлган шахс ногиронлар аравачасидан фойдаланиши мумкин.

Сенсорик қобилиятлари чекланган шахс кўришга қийналиши мумкин.

Сенсорик қобилиятлари чекланган шахс эшитишга қийналиши мумкин.

Руҳий ногиронлиги бўлган шахс ўзини руҳан ёмон ҳис қилиши мумкин.

Бу эса улар хавотир ёки хафалик ҳисси таъсирида бўлиши мумкинлигини англатади.

Ақлий имкониятлари чекланган шахс ўрганиш ва билим олишга қийналиши мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахслар - **турфа хил таркибдан иборат** гуруҳдир.

Турфа хил, деганда инсонлар бир-биридан фарқ қилиши тушунилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари турлича.

Ногиронлиги бўлган шахслар бир хил фикрламайди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг қарашлари турлича.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун **устувор аҳамиятга эга бўлган жиҳатлар** бошқалардан фарқланади.

Устувор аҳамиятга эга бўлган жиҳатлар - бу шахс учун энг муҳим бўлган нарсалар.

Биз ногиронлиги бўлган шахслар турфа хил эканини англашимиз муҳим.

Бу - ногиронлиги бўлган шахслар сайлов жараёнига кўнгилдагидек қамраб олинишини таъминлашга ёрдам беради.

Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Одамлар ён-атроф тўғрисида фикр юритишнинг янгича йўлларини ўрганмоқда.

Ўтмишда биз ногиронларга меҳр ва саховатпешалик орқали ёрдам бериш тўғрисида гапирардик.

Ҳозирги кунда биз ногиронлар бошқалар билан бир хил ҳуқуқларга эга эканини яхши биламиз.

Бу - **инсон ҳуқуқлари** дейилади.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, деб номланган ҳужжат бор.

НҲТК
НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қисқача **НҲТК**, деб юритилади.

НҲТК - ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан амал қиладиган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжат.

КНҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар бошқа одамлар билан бир хил ҳуқуқларга эга экани белгиланган.

29

НҲТКнинг **29-моддасида** ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнлар ва сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга экани белгиланган.

12

НҲТКнинг **12-моддасида** ногиронлиги бўлган шахсларнинг қарорларини тан олиш тўғрисида сўз боради.

12-моддада, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга қарор қабул қилиш жараёнида ёрдам керак бўлиши мумкинлиги тўғрисида сўз боради.

Қарор қабул қилишда кўмак олиш - **қарор қабул қилиш жараёнидаги кўмак усули**, деб аталади.

ДИИҲБ кузатувчилари мамлакатлар НҲТКда белгиланган қоидаларга риоя қилишини текшириши лозим.

Ногиронлиги бўлган шахс сайловларда турли йўллар билан иштирок этиши мумкин:

Сиз сиёсий жараёнларда **сайловга ўз номзодингизни** қўйиш орқали иштирок этишингиз мумкин.

Сайловга ўз номзодини қўйган одам – сиёсатчи сифатида фаолият юритишни истаётган шахс. Сайловга ўз номзодини қўйган одам сайловчилар унга овоз беришини истайди.

Сиз сиёсий жараёнларда **сайлов кампаниясида** ишлаш орқали иштирок этишингиз мумкин.

Сайлов кампанияси – сайловгача бўлган давр бўлиб, унда сиёсатчилар одамларни ўзи учун овоз беришга ундайди.

Сиз сайловларда **овоз бериш** орқали иштирок этишингиз мумкин.

Мазкур қўлланма тўрт қисмдан иборат



1-бобда НҲТК ва дунёдаги бошқа муҳим юридик ҳужжатлар тўғрисида сўз боради.

2-бобда ногиронлиги бўлган шахслар сайлов жараёнларида дуч келадиган тўсиқлар тўғрисида сўз боради.

Тўсиқлар - ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда иштирок этишини қийинлаштирадиган ҳолатлар.

2-бобда, шунингдек, мазкур тўсиқларни олиб ташлаш усуллари тўғрисида ҳам сўз боради.

3-бобда сайлов босқичлари тўғрисида сўз боради.

3-бобда, шунингдек, ДИИҲБ кузатувчилари сайловнинг ҳар бир босқичида текшириши лозим бўлган жиҳатлар тўғрисида сўз боради.



4-бобда ДИИҲБ кузатувчилари томонидан сайловларни текширишнинг турли усуллари тўғрисида сўз боради.

4-бобда, шунингдек, ДИИҲБ ҳукуматларга қай тарзда ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида ҳам сўз боради.

1-боб
НҲТК ва бошқа муҳим халқаро ҳужжатлар

Ўтган йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига бағишланган кўплаб муҳим ҳужжатлар яратилди.

Мазкур ҳужжатларнинг айримлари ғоя ва режалардан иборат, холос.

Айримлари **юридик ҳужжатлар**.

Юридик ҳужжатларда биз риоя қилишимиз лозим бўлган қоидалар белгилаб берилган.

НҲТК
НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахсларнинг кундалик ҳаёт ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини қандай қилиб таъминлаш мумкинлиги тўғрисидаги энг тўлиқ маълумотлар жамланган.

ЕХҲТ **плюралистик демократия** - барча гуруҳлар учун демократия ва адолатни таъминлашнинг энг яхши усули эканини таъкидлайди.

Плюралистик демократия аҳолининг турли қатламлари сиёсий жараён ва оммавий мунозараларда вакиллик асосида иштирок этишини англатади.

Бир неча йил муқаддам **ақлий имкониятлари чекланган** инсонлар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эди.

НҲТКда мазкур ҳолат **дискриминация** экани белгиланган.

Дискриминация – шахс ёки шахслар гуруҳига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиш.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар сайловнинг барча босқичларида дискриминацияга учрамаган ҳолда иштирок этиши мумкинлиги белгиланган.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар тўплаш муҳимлиги белгиланган.

Бу маълумотлардан фойдали қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

НҲТКда бу каби маълумотларни турли қисмларга ажратиш лозимлиги белгиланган.

Турли қисмларга ажратилган маълумотлар турфа хил ногиронлиги бўлган одамлар тўғрисида маълумот олиш имконини беради.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар билан ногиронликка оид қонунлар ва чора-тадбирлар юзасидан фикрлашиш муҳимлиги белгиланган.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг мазкур қонунлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги фикрини билиш муҳим аҳамиятга эга.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар барча жамоат жойлари ва хизматлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозимлиги белгиланган.

Бу - **ногиронлар учун қулай шароитлар яратиш**, деб аталади.

НҲТКда ахборот одамлар учун тушунарли тарзда тайёрланиши ва тақдим этилиши лозимлиги белгиланган.

Бу ҳам **ногиронлар учун қулай шароитлар яратиш**, деб аталади.

Аудио ахборот – эшитиш орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Подкаст – аудио ахборотнинг бир тури.

Визуал ахборот – кўриш орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Плакат - визуал ахборотнинг бир тури.

Тактиль ахборот – қўл билан ҳис орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Брайль ёзуви – тактиль ахборотнинг бир тури.

Катта шрифт визуал ахборотни ногиронлар учун янада қулай қилади.

Тушуниш осон бўлган маълумотлар содда тилда ёзилади.

Тушуниш осон бўлган маълумотларга суратлар қўшилади.



Аудиовизуал ахборот бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш ҳам кўриш мумкин бўлган маълумотлардир.

Видеолавҳа аудиовизуал маълумотнинг бир туридир.

Ахборот ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлган жойларда жойлаштирилиши лозим.

Саёҳат қилиш имкониятига эга бўлмаган инсонлар ҳам қамраб олиниши учун маълумотларни интернетда жойлаштириш мумкин.

НҲТКда қуйидагилар **универсаллик ёндашуви** асосида тайёрланиши лозимлиги белгиланган:

- Маълумотлар
- Хизматлар
- Жойлар
- Маҳсулотлар.

Универсаллик ёндашуви ён-атрофдаги шароитлар барча инсонлар фойдаланиши ва тушуниши мумкин бўлган тарзда яратилишини англатади.

Баъзан инсоннинг қўшимча эҳтиёжлари бўлиши мумкин.

Бунда ахборот, маҳсулот, жой ёки хизматлар мазкур инсон улардан фойдаланиши учун ўзгартирилиши лозимлиги тушунилади.

Бундай ўзгартиришлар - **ногиронлар учун мослаштирилган** шароитлар, деб аталади.

Ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар, деганда маълумот, маҳсулот ёки жойлардан барча фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун қилинган ўзгартиришлар тушунилади.

НҲТКнинг **29-моддасида** ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлар ва сайловларда иштирок этиши тўғрисида сўз боради.

29-моддада сайловнинг ҳар бир босқичида тушуниш осон бўлган маълумотлар мавжуд бўлиши лозимлиги белгиланган.

29-моддада **сайлов участкалари** ногиронлар аравачасида ҳаракатланиш учун қулай бўлиши зарурлиги белгиланган.

Сайлов участкаси – сайлов пайтида одамлар овоз бериш учун борадиган жой.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар сайлов участкаларида барча билан бирга овоз бериши энг тўғри йўл экани белгиланган.

Бу орқали уларнинг яширин овоз бериши таъминланади.

Яширин овоз бериш - демократиянинг муҳим қисми.

29-моддада кўриш қобилияти суст инсонлар сайлов участкасида **ёрдамчи овоз бериш мосламасидан** фойдаланган ҳолда овоз бериш имкониятига эга бўлиши лозимлиги белгиланган.

Ёрдамчи овоз бериш мосламалари – ногиронлиги бўлган шахсга овоз бериш имконини берадиган ёки бу жараённи осонлаштирадиган жиҳозлар.

29-моддада, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахс сайлов участкасида овоз бериш пайтида ўзи танлаган шахс кўмагидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Сиёсий учрашувлар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай жойларда ўтказилиши лозим.

Бу – одамлар учрашувларда интернет орқали иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозимлигини ҳам англатади.

Сиёсий учрашувлар давомида тақдим этиладиган ахборот ва маълумотлар ногиронлар тушуниши учун қулай бўлиши лозим.

Сиёсий партиялар ва номзодлар томонидан тарқатиладиган ахборот ва маълумотлар ногиронлар тушуниши учун қулай бўлиши лозим.

Сиёсатга оид маълумотлар ногиронлар учун тушунарли кўринишда бўлса - улар **онгли қарорлар қабул қилади**.

Баъзан одамлар ногиронлар сиёсатга қизиқмайди, деб ўйлайди.

Бу - **стереотип**, деб аталади.

Стереотип – муайян гуруҳга мансуб одамлар тўғрисидаги тушунча. Стереотиплар, кўпинча, нотўғри ва зарарли бўлиши мумкин.

НҲТК ногиронларга нисбатан бўладиган муносабат стереотипларга асосланмаслигини таъминлашга қаратилган.

НҲТК ногиронларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки **оммавий ахборот воситаларида** ёритилишини таъминлашга қаратилган.

НҲТКнинг **12-моддасида** ногиронлиги бўлган шахсларнинг қарорларини тан олиш тўғрисида сўз боради.

12-моддада, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга қарор қабул қилиш жараёнида ёрдам керак бўлиши мумкинлиги тўғрисида сўз боради.

Қарор қабул қилишда кўмак олиш - **қарор қабул қилиш жараёнидаги кўмак усули**, деб аталади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди – одамлар ўз юртида бир ёки бир неча ҳуқуқдан маҳрум қилингани билан боғлиқ шикоятлар кўриб чиқиладиган суд.

Мазкур суд қисқача **ИҲЕС,** деб номланади.

ИҲЕС қарорлари Европанинг барча давлатлари учун муҳим ҳисобланади.

ИҲЕС Венгриядаги ногиронлиги бўлган шахслар билан боғлиқ ишни кўриб чиқди.

Бу -“Кишш Венгрияга қарши” деб номланган ишдир (2010 йил).

Иш ақлий имкониятлари чекланган одамларнинг сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши билан боғлиқ бўлган.

ИҲЕС ногиронлиги бўлган инсонларнинг барчасини сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб бўлмаслиги тўғрисида қарор чиқарди.

ИҲЕС ногиронлиги бўлган шахс овоз беришга нақадар қодир эканини билиш учун текширувдан ўтказилиши мумкинлиги тўғрисида қарор чиқарди.

НҲТК

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Нуфузли ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини турлича талқин қилади.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахсни овоз беришдан аввал текширувдан ўтказиш дискриминация экани белгиланган.

НҲТКда ногиронлиги бўлган барча инсонлар сайлаш ҳуқуқига эга экани белгиланган.

НҲТК ИҲЕСнинг ногиронлиги бўлган шахсларни текширувдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига қўшилмайди.

2-боб
Сайловларда иштирок этиш йўлидаги тўсиқлар

Сайловда овоз берадиган ногиронлар сони тўғрисида маълумот олиш мушкул.

Айрим маълумотларга кўра, ногиронлиги бўлган шахслар сайловнинг барча босқичларида **етарли даражада вакилликка эга эмас.**

Етарли даражада вакилликга эга бўлмаслик, деганда сайловда иштирок этаётган ногиронлар сони етарли даражада эмаслиги тушунилади.

Ногиронлар қуйидаги гуруҳларда етарли даражада вакилликга эга эмас:

- Сайловчилар
- Номзодлар
- Сиёсатчилар
- Кузатувчилар
- Сайланган раҳбарлар – ҳукуматни шакллантирадиган сиёсатчилар
- Сайлов органи ходимлари – сайловларни ўтказадиган шахслар.

Ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда иштирок этмаслигининг айрим сабаблари қуйидагилардан иборат:

- Юридик тўсиқлар – мамлакат қонунчилиги ногиронлиги бўлган шахс сайловда иштирок этишини ниҳоятда қийинлаштириб юбориши.
- Ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги салбий стереотиплар.
- Сайловда иштирок этиш тўғрисидаги маълумотлар фойдаланиш учун қулай эмаслиги.
- Ногиронлиги бўлган шахслар сайловда иштирок этиши учун етарли даражада қўллаб-қувватланмаслиги.
- Ногиронлар билан етарли даражада фикр алмашилмаслиги.

Ногиронлар ташкилотлари қисқача **НТ**, деб аталади.

НТлар ногиронлар дуч келадиган тўсиқлар билан шуғулланади.

НТлар иштирокида қабул қилинган қарор ва чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган шахслар учун кўпроқ фойда беради.

Ногиронлар ташкилотлари ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда дискриминация туфайли иштирок этмаслигини таъкидлайди.

Бу – ногиронлар жамиятда **яккалаб қўйилаётганини** англатади.

Яккалаш, деганда одамлар нимадандир маҳрум қилинаётгани тушунилади.

Ногиронлар ўзларига дахлдор масалалар муҳокамасига **жалб қилинмайди**.

Жалб қилиш, деганда ногиронларнинг фикрларини сўраш тушунилади.

Кампания шиори – **“Биз ҳақимизда фақат биз орқали”.**

“Биз ҳақимизда фақат биз орқали” шиори ногиронлик масалаларига алоқадор қарорларнинг қабул қилинишида ногиронлар доим иштирок этиши лозимлигини англатади.

НҲТКда ногиронлар ва **Ногиронлар ташкилотлари** қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши лозимлиги белгиланган.

Ногиронлиги бўлган аёллар сайловларда иштирок этиш йўлида кўплаб тўсиқларга дуч келади.

Сиёсий жараёнлар ва сайловларда иштирок этадиган ногирон аёллар сони етарли даражада эмас.

Ногиронлиги бўлган аёллар сиёсий жараёнларда **етарли даражада вакилликка эга бўлмаган гуруҳ** ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган аёллар учун муҳим бўлган мавзулар етарлича муҳокама қилинмайди.

Бу мавзулар сирасига сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва ўз ҳаётини назорат қилиш имконияти киради.

Ногиронлиги бўлган аёллар учун муҳим бўлган мавзулар унутиб қолдирилиши мумкин.

3-боб
Сайлов босқичлари



ДИИҲБ кузатувчилари сайловда иштирок этадиган ногиронлар учун энг муҳим масалалар тўғрисида ўйлаши лозим.

Мазкур қўлланмада сайловнинг ҳар бир босқичида кузатувчилар учун энг муҳим бўлган саволлар рўйхати келтирилган.

1. Сайловолди босқичи – сайлов кунигача бўлган давр.

ДИИҲБ - ЕХҲТ таркибига кирувчи муассаса.

ЕХҲТга 57та мамлакат аъзо.

ДИИҲБ мазкур мамлакатлардаги сайловларни кузатади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши тўғрисидаги қонунлар ЕХҲТнинг саноқли мамлакатларида бор, холос.

Кўпчилик давлатларда универсал ёндашувнинг йўқлиги дискриминация сифатида тан олинмайди.

Кўпчилик давлатларда ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар яратилмаганлиги дискриминация сифатида тан олинмайди.

ДИИҲБ кузатувчилари мамлакатларда НҲТКнинг 9-моддасига риоя этилишини текшириши лозим.

НҲТКнинг 9-моддасида ногиронлар учун қулай шароитларни яратиш тўғрисида сўз боради.

Сайлов кампанияси ва овоз бериш жараёни ўтказиладиган жойлар ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлиши лозим.

Фойдаланиш учун қулай бўлган айрим муҳим шароитларга қуйидагилар киради:

- Пандуслар

- Ногиронлар учун мўлжалланган автомобиль тўхташ жойи

- Ногиронлар аравачасида кириш мумкин бўлган ҳожатхоналар

- Хоналарда кўрсаткичлар борлиги.

Сайловлар тўғрисидаги маълумотлар ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлиши лозим.

Ногиронларга овоз беришда кўмаклашиш учун мавжуд воситалар тўғрисида одамлар сайловдан аввал хабардор қилиниши лозим.

Ёрдамчи мосламалар ва ҳаракатланиш воситалари мавжуд бўлиши лозим.

Ёрдамчи овоз бериш мосламалари – ногиронлиги бўлган шахсга овоз бериш имконини берадиган ёки бу жараённи осонлаштирадиган жиҳозлар.

Ҳаракатланиш воситаси – инсонларга ҳаракатланишда ёрдам берадиган мослама.

НҲТКнинг 2-моддасида аҳолининг турли гуруҳлари билан мулоқот қилиш усуллари тўғрисида сўз боради.

Сайловлар тўғрисидаги ахборот ва маълумотлар тактиль, аудио ва визуал кўринишда бўлиши лозим.

Тактиль ахборот – қўл билан ҳис қилиш орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Брайль ёзуви – тактиль ахборотнинг бир тури.

Аудио ахборот – эшитиш орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Подкаст – аудио ахборотнинг бир тури.

Визуал ахборот – кўриш орқали қабул қилинадиган маълумотлар.

Плакат - визуал ахборотнинг бир тури.

Катта шрифт визуал ахборотни ногиронлар учун янада қулай қилади.

Тушуниш осон бўлган маълумотлар содда тилда ёзилади.

Тушуниш осон бўлган маълумотларга суратлар қўшилади.



Аудиовизуал ахборот бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш ҳам кўриш мумкин бўлган маълумотлардир.

Видеолавҳа аудиовизуал маълумотнинг бир туридир.

Веб-сайтлар ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлиши учун, уларда сайловларга бағишлаб жойлаштирилган ахборот ва маълумотлар махсус қоидаларга мос келиши лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари сайлов бюллетенлари ногиронлиги бўлган барча инсонлар фойдаланиши учун қулай эканига ишонч ҳосил қилиши лозим.

НҲТКнинг 9-моддасида сайловни ўтказиш жараёнига жалб қилинган шахслар ногиронлик масалалари бўйича тайёргарликдан ўтган бўлиши лозимлиги белгиланган.

Ногиронлик билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан аввал ногиронлар билан **маслаҳатлашиш** лозим.

Ногиронлар билан **маслаҳатлашиш**, деганда уларнинг фикрини сўраш тушунилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ўз фикрини билдириши учун бошқаларга қараганда кўпроқ вақт талаб этилиши мумкин.

Ногиронлар билан тез-тез фикр алмашиб туриш лозим.

Бу - ногиронлиги бўлган шахсларнинг фикрини тўплашда қўл келади.

Сайловни ўтказиш қоидалари тўғрисида НТлар билан маслаҳатлашиш лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари сайловни ўтказиш борасида НТлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганини текшириши лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари мамлакатда ногиронлиги бўлган шахсларни овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган қонунлар бор-йўқлигини текшириши лозим.

Айрим мамлакатларда ногиронлиги бўлган шахс сайловга ўз номзодини қўйишини тақиқлайдиган қонунлар бор.



Ногиронлиги бўлган шахс сайловларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирда, бунга нисбатан расмий шикоят киритиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари НТлар билан маслаҳатлашиб туриши шарт.

НТлар оммавий ахборот воситаларига сайловларга оид маълумотлар ногиронлар фойдаланиши учун қулай бўлишини таъминлашда ёрдам бериши мумкин.



НҲТКда оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни сайловларда овоз бериш тартиблари борасида хабардор қилиши лозимлиги белгиланган.

Бундай маълумотлар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун қулай бўлиши лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари ногиронлиги бўлган шахслар овоз бериш учун рўйхатдан ўтиши қулай эканини текшириши лозим.

Турли ногиронликларга эга бўлиб, сайловда иштирок этаётган инсонлар тўғрисида маълумот тўплаш жуда қийин.

Ногиронлиги бўлган шахслар ўз шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.



Қуйидаги маълумотлар тўпланмасдан туриб керакли даражадаги кўмакни таъминлаш мушкул:

- одамларда бор бўлган ногиронлик турлари
- ёш
- жинс

Одамлардан уларнинг ногиронлиги тўғрисида сўраш ўрнига қандай ёрдам кераклигини сўраш яхшироқ.

ЕХҲТ иштирокчи давлатлари орасида сайловга ўз номзодини қўйган ногиронларга ёрдам берадиганлари жуда кам.

Ногиронлиги бўлган шахслар сайловга ўз номзодини қўйиши учун қулай шароитлар доим ҳам таъминланавермайди.

Сиёсий партия - бир хил устувор мақсад ва қарашларга эга бўлган сиёсатчилар гуруҳи.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳам сиёсий партия аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиялар ўз режалари тўғрисидаги маълумотларни ногиронлар фойдаланиши учун қулай кўринишда тайёрлаши лозим.

Бу – ногиронлар онгли қарорлар қабул қилишини таъминлашда ёрдам беради.

Ногиронлиги бўлган шахс сайловга ўз номзодини қўйишида ёрдам бериш учун сиёсий партиялар қўшимча ёрдам ва маблағга эҳтиёж сезиши мумкин.

Ногиронлиги бор номзод ногиронлар учун мослаштирилган шароитлар, жумладан, сурдо таржимонга эҳтиёж сезиши мумкин.

2. Сайлов куни – одамлар овоз берадиган кун.

НҲТКда сайловлар ногиронлар иштирок этиши учун қулай тарзда ташкил этилиши лозимлиги белгиланган.

НҲТКда **универсаллик ёндашувига** риоя қилиниши лозимлиги белгиланган.

Сайлов участкалари барча ногиронлиги бор шахслар фойдаланиши учун қулай бўлиши лозим.

Овоз бериш тартиб-қоидаларига доир маълумотлар барча ногирон инсонлар фойдаланиши учун қулай бўлиши лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари ногиронлар овоз бериш вақтида ёрдамга эҳтиёж сезса, уларга кераклы ёрдам кўрсатилиши учун зарур шароитлар борлигини текшириши лозим.

Овоз беришга оид материал ва жиҳозлар универсал ёндашув асосида тайёрланган бўлиши лозим.

Кўриш қобилияти суст инсонлар қуйидагиларга эҳтиёж сезиши мумкин:

- Лупа
- Тактиль сайлов бюллетенлари
- Брайль ёзувида тайёрланган овоз бериш бўйича кўрсатмалар

Ногиронлиги бўлган шахслар овоз беришда ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин.

Бунда ёрдамчи ногиронлиги бўлган шахснинг ўзи томонидан танланиши муҳим.

Агар ногиронлиги бўлган шахсга овоз беришда сайлов участкаси вакили ёки бошқа шу каби расмий шахс ёрдам берса - бу овоз бериш яширин эмаслигини англатиши мумкин.

ДИИҲБ кузатувчилари мамлакат қонунчилигида овоз беришда ёрдам бериш масаласида нималар кўзда тутилганини текшириши лозим.

ДИИҲБ кузатувчилари шахснинг овоз бериш жараёни яширин бўлганини текшириши лозим.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар сайлов участкаларида барча билан бирга овоз бериши энг тўғри йўл экани белгиланган.

Айрим ҳолларда бунинг имкони йўқ.

ДИИҲБ кузатувчилари одамлар бошқа усуллар билан овоз бериш имкониятига эга эканини текшириши лозим.

Бошқа усулларга почта ёки кўчма сайлов участкалари орқали овоз бериш киради.

ДИИҲБ кузатувчилари овоз беришнинг бошқа усуллари энг мақбул тарзда ташкиллаштирилганини текшириши лозим.



3. Сайловдан кейин – одамлар овоз бериб бўлгандан кейинги босқич.

Ногиронлиги бўлган шахслар сайлов натижалари тўғрисида **реал вақт режимида** хабардор этилиши муҳим.

Реал вақт – сайлов натижалари жамоатчиликка маълум қилинган вақт.

Сайлов натижалари ногиронлиги бўлган шахслар уларни тушуниши учун қулай кўринишда тақдим этилиши шарт.

НҲТКнинг 13-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш лозимлиги белгиланган.

ДИИҲБ кузатувчилари ногиронлар сайлов жараёни борасида шикоят қилиши учун имконият бор-йўқлигини текшириши лозим.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар номзод сифатида ҳамда давлат ташкилотларида **етарли вакиллик даражасига эга эмаслигидан** хавотир билдирилган.



Неча нафар ногирон сайловга ўз номзодини қўйгани тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Неча нафар ногирон сайловчилар рўйхатига киритилгани тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва эълон қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Сайловда иштирок этган ногиронлар тўғрисидаги маълумотларни турли қисмларга ажратиш фойдали бўлади.

Турли қисмларга ажратилган маълумотлар турфа хил ногиронлиги бўлган одамлар тўғрисида билиш имконини беради.

Турли қисмларга ажратилган маълумотлардан ногиронлиги бўлган барча шахсларнинг сайловларда иштирок этиш учун янада қулайроқ шароитларни яратиш учун фойдаланиш мумкин.

4-боб
ДИИҲБ фаолияти

НОГИРОНЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ
КОНВЕНЦИЯ

Сайлов жараёнларида иштирок этаётган ногиронлар мавзуси НҲТКдан муҳим ўрин олган.

Сайлов жараёнларида иштирок этаётган ногиронлар тўғрисида маълумот тўплаш муҳим.

Ногиронлиги бўлган шахслар сайловларда иштирок этиш имкониятига эга эканини текшириш мақсадида ДИИХБ ўз кузатувчиларини турли жойларга жўнатади.

НТлар ҳамда жамоатчи кузатувчилар ҳам мамлакат ҳудудида маълумот тўплашда ёрдам бериши мумкин.

Сайлов жараёнларида иштирок этишда ногиронлиги бўлган шахслар учун энг муҳим жиҳатлар:

• сайловга ўз номзодини қўйиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлиш

• сайлов жараёнлари тўғрисида фойдаланиш учун қулай маълумотлар олиш

• тўсиқларсиз овоз бериш

• сайлов натижаларини ногиронлар фойдаланиши учун қулай кўринишда олиш.

ДИИҲБ сайловдан аввал мамлакатга Эҳтиёжларни баҳолаш миссиясини жўнатади.

Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси сайловолди чора-тадбирларини текширади ва ДИИҲБ сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқ ёки йўқлиги бўйича тавсия беради.

Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси вакиллари НТлар билан учрашади.

Сайловни кузатиш натижаларига кўра ДИИҲБ ўз ҳисоботини тайёрлайди.

Ҳисоботда ДИИҲБ томонидан кузатиш ўтказилган сайловда ногиронлар иштирок этиш имкониятига эга бўлгани ёки бўлмагани кўрсатиб ўтилади.

Келгуси чора-тадбирларни кузатиб бориш

ДИИҲБ сайловларни кузатган мамлакатларда сайловдан кейин амалга оширилган чора-тадбирларни кузатиб боради.

ДИИҲБнинг **келгуси фаолияти** сайлов жараёнларини ногиронлар учун янада қулайроқ қилишни таъминлашга қаратилади.

Ногиронларнинг сиёсий жараён ва сайловларда иштирок этиши сайловларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Вакиллик даражаси етарли бўлмаган гуруҳларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши муҳимдир.

ДИИҲБ сайловларнинг ўтказилишини такомиллаштириш учун вакиллик даражаси етарли бўлмаган гуруҳларнинг қамраб олинишини истайди.

ДИИҲБ вакиллик даражаси етарли бўлмаган гуруҳлар келгуси сайловларга кенгроқ жалб этилишини истайди.

ДИИҲБ мамлакатлар ҳукуматларини НҲТКда белгиланган қоидаларга риоя этишга чақиради.

НХ
ТК
НОГИРОНЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ
КОНВЕНЦИЯ

Сайловларнинг ДИИҲБ томонидан кузатилиши ҳукуматлар ногиронларнинг сайловларда иштирок этишига кўмаклашиш усуллари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлишига ёрдам беради.

Сайловларнинг ДИИҲБ томонидан кузатилиши ҳукуматлар ногиронларнинг сайловларда иштирок этишига кўмаклашиш усуллари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлишига ёрдам беради.



Сайловларнинг ДИИҲБ томонидан кузатилиши сайлов жараёни ДИИҲБ кузатуви остида ўтганини англатади.

Сайловлар ногиронлар уларда иштирок этиш имкониятига эга экани-эмаслигини текшириш учун кузатилади.

НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Сайловларнинг ДИИҲБ томонидан кузатилиши мамлакатлар ҳукуматларига НҲТКнинг сайловлар тўғрисидаги қоидаларига риоя қилишда ёрдам беради.

Мазкур қўлланма ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловларда иштирок этиши учун зарур имкониятларни таъминлаш усулларини тушунтиришга ёрдам беради.

Алоқа учун маълумотлар

Қўшимча маълумотлар учун **OSCE.org/ODIHR** веб саҳифасига ташриф буюринг.

Ёки биз билан қуйидаги манзиллар орқали боғланиб, батафсилроқ маълумот олишингиз мумкин:

Электрон почта манзили:
office@odihr.pl



Телефон рақами:
+48 22 5200 600

Почта манзили:
ЕХҲТ / ДИИҲБ
Miodowa кўчаси 10-уй
00-251 Варшава, Польша